O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MITOB PALATASI
INV №

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Milliy tiklanish

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 28 may, juma

8 (289) son

Сўз ЎзМТДП етакчиларига

ЁШЛАР ҚАНОТИМИЗ, БИРГА ПАРВОЗ ҚИЛАМИЗ

Жаннат ТОШМАТОВА
ЎзМТДП марказий кенгаши котиби

Мамлакатимизнинг истиқболи — ёш авлод қандай тарбия топишга, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, улар қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ. Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-аҳлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо курашганмиз, курашаверамиз. Онгли, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти"нинг асосий вазифасидир.

"Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Ёшлар қаноти" бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда. Кўзланган асосий мақсад ёшлар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, маънавий дунёқарашини кенгайтириш, сиёсий онгини ўстиришдир, мустақиллик буюк неъмат эканлигини оддий ҳаётий мисоллар асосида ҳар бир ёшнинг онгига сингдириш орқали дунёқараши чеклангган айрим ёшларнинг эътиборини реал ҳақиқатга жалб этиш.

"Менинг энг катта ишончим, — дея таъкидлаган эди Президентимиз И. Каримов, ёш авлод замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир". Дарҳақиқат, тўғри тарбия бериб бориладиган бўлса, ёшларда ақл-идрок, жамият манфаатини кўзловчи олий мақсадлар рўёбга чиқиб, зарарли, ортиқча эҳтирос туғёнини боса олади. "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил қилинган "Терроризм — инсоният душмани", "Миллатнинг маънавий бирлиги", "Ёшлар ва сиёсат" мавзусидаги суҳбатлар шу мақсадларга йўналтирилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида ташкил этилган "Терроризм — инсоният душмани" мавзусидаги суҳбат талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Сўзга чиққанлар бу ёвуз ҳатти-ҳаракатларни мамлакатимиз мустақиллиги, тинч ҳаётимиз, эришаётган ютуқларимизни кўролмайдиган қора кучлар амалга оширганини таъкидладилар.

"Миллатнинг маънавий бирлигши" мавзусида Тошкент Қурилиш ва Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида уюштирилган давра суҳбатида Ватан тушунчаси асл моҳиятини англаш, Миллий тафаккур ҳамда сиёсий маданият ҳақида сўз борди. Ватан тақдирини ўз тақдири билиб, унинг келажагида ўз келажагини кўриш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Маълумки, миллий урф-одатларни қадрлаш оиладан бошланади. Ўзбекистон Миллий Университетида ўтказилган "Қайнонам — онам менинг, келиним болам менинг" мавзусидаги давра суҳбатида ҳам "Ватан оиладан бошланади", деган фикр илгари сурилиб, оила асоси ҳисобланган она-қайнона-келин муносабатлари ёритиб берилди.

Суҳбатга турли касбда фаолият кўрсатувчи аёллар — қайноналар ва келинлар таклиф қилинишди. Шарқона, ўзбекона маданият ҳақида мулоҳазалар, баҳс — мунозаралар юритилди. Ҳар нарсада меъёр бўлиши, айниқса ёшлар ҳаётида азалий удумларимиз, урф-одатларимиз, халқимизнинг қадимги маънавиятлари асос бўлиши ҳақида сўз борди.

Ёш қизларни балоғат ёшига етмай туриб турмуш қуришлари, ҳаётнинг маъносига етмай уларни она бўлиши, яъни муайян қийинчиликларга дуч келишлари, қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳларнинг оғир оқибатлари, қизларимизнинг жисмоний ва маънавий саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётгани, баъзан уларни ногирон бўлиб қолишига ёки ногирон болалар туғилишига сабаб бўлаётгани хусусида гапирилди.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини кенгайтириш давр талабидир. Айниқса, юртбошимизнинг ҳозирги кунда халқнинг, жумладан, ёш авлоднинг фаоллигини ошириш борасидаги кўрсатмалари давр талаби нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Сиёсий дунёқараш, ижтимоий фаоллик, яъни инсоннинг ғоялар, эътиқодлар кураши майдонида ўз мустаҳкам позициясига эга бўлиши муҳимдир. Эркин фикрлайдиган одамни ҳеч қандай қийинчиликлар, муаммолар тўғри йўлдан чалғита олмайди. Эркин кишилар муаммолар ўткинчи эканлигини, улар тараққиёт жараёнида, албатта, ҳал бўлишини, энг муҳими, мустақил Ўзбекистонимиз келажагига қатъий ишонч ва эътиқод билан яшаш зарурлигини яхши тушунади. Жамиятда ана шундай шахслар кўп бўлиши ғоятда муҳим.

"Ёшлар қаноти" томонидан ташкил этилган "Оила қонунчилиги ёшлар нигоҳида", "Ёшлар ва сиёсат" мавзусида суҳбатларда ҳам ушбу фикрлар ўртага ташланди.

"Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Ёшлар қаноти" ёшларнинг бўш вақтларини унумли ташкил қилишга ҳам эътибор бериб келмоқда. Республика миқёсида Олий ўқув юртларининг театр-фестивали Ўзбекистон Миллий Университетида бўлиб ўтди. Ушбу фестивалда "Ёшлар қаноти" аъзолари фаол иштирок этган жамоаларга ўзининг мукофотларини топширди.

Ҳар йили ўтказиладиган "Қувноқлар ва зукколар" телеўйинида ҳам "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "Шаввозлар" театр-студияси иштирокчилари фаол қатнашиб юқори ўринларга сазовор бўлишди. Яна бир қанча катта тадбирлар ўтказишни режалаштиришган. Бундай тадбирлардан бири "Эркли элнинг қанотлари" спорт-шоусидир. Бу тадбир Ўзбекистон Миллий Университети профессор ўқитувчилари ва талабалари ўртасида бўлиб ўтади. Тадбирдан кўзланган бош мақсад — навқирон авлодни спорт билан доимий ошно қилиш, ёшлар қалбида ўзгача ишонч, ғурур уйғотиш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришдир.

ЎЗБЕКИСТОН БУҒДОЙЗОРЛАРИ ҲОСИЛГА ТЎЛИШМОҚДА

«Комилжон» фермер хўжалиги раҳбари Ғофуржон ака Комилов номини бўзликлар ҳурмат билан тилга олишади. У ғалла майдонларининг ҳар гектаридан 80 центнердан ҳосил олишга умид боғлаб турибди. Буғдой ҳосилидан кўнгли тўқ Ғофуржон ака Комиловни кўриб турибсиз.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Партия ахбороти

ЎзМУ Маданият саройида ЎзМТДП етакчилари И. Ғафуров, Х. Дўстмуҳамедов ва Ж. Тошматовалар университет талаба ёшлари билан учрашдилар. Унда терроризмга қарши кураш, партиянинг жамият ҳаётида тутган ўрни, партия ва ёшлар мавзуларида қизғин мулоқот бўлди. Партия етакчилари ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Бир неча ёшлар бу учрашув чоғида партияга кириш истаги пайдо бўлганини билдиришди.

* * *

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши фаоллари вилоятдаги шаҳар ва туманлар "Ватанпарвар" ташкилотлари ҳамда тадбиркорлар палатаси етакчи раҳбарлари билан "Миллий юксалиш" мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси А. Тўхтабоев, партия фаоллари сиёсий фанлар доктори, профессор Баҳодир Иминов, фалсафа фанлари номзоди, доцент Одилжон Тоҳировлар қатнашди.

* * *

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Бахтиёр Мўминов Фарғона шаҳар "Маҳалла" жамғармаси ўқув залида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан огоҳликка даъват мавзусида суҳбатлашди.

* * *

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бўлажак сайлов жараёнларига тайёргарлик ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишда партиянинг Қорақалпоғистон республикаси кенгаши раиси Зинатдин Есенбоев маъруза қилди.

* * *

"Грант-орзу" меҳмонхонасида Ўзбекистонда хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш йўллари мавзусида Тошкент шаҳар ҳокимияти хотин-қизлар қўмитаси ташкилотчилигида ўтказилган йиғилишда ЎзМТДП котиби О. Қозоқов қатнашди ва сўзга чиқди.

* * *

ЎзМТДПнинг барча вилоятлар кенгашлари томонидан «Терроризмга қарши курашда миллий қадриятларнинг аҳамияти ва меҳр-мурувват туйғуларининг ёшлар тарбиясига таъсири» мавзусида маҳаллалар ва турли ўқув юртларида учрашув ва мулоқотлар ташкил этиляпти. Хоразм вилоят кенгашининг раиси Зарифбой Дўсимов ҳамда бир гуруҳ партия фаоллари шу мавзуда Урганч давлат университети талабалари билан учрашдилар.

(Давоми 3-бетда)

ВАТАНГА ЕЛКА ТУТИНГ

Репортаж

Ғазалкент... Ўз номи ўзига монанд.

Яқин орада шу тарафларга юрганмисиз? Шифобахш булоқларидан тўйиб-тўйиб сипқоранмисиз? Қишин-ёзин туятупан, кийикўт, айиқтовон, мингтомир каби шифобахш ўт-ўланларга тўйинган сигир сутидан ичганмисиз?

Агар билмасангиз дунёнинг кўп лаззатларидан, роҳатларидан бебаҳра қолибсиз.

Ғазалкентликларнинг феъли-да ўзига хос. Қизлари ҳаё, назокатла боқади. Қирқ ўрим кокилларини селкитиб, атласларини оловлантириб кўча-куйдан ўтиб қолсалар унча-мунча ўктам йигитларнинг ҳаёли қочади. Арслон келбат бўлади, бу ерлик йигитлар. Айтар сўзларига мард келади. Бир кўчқорни елкалаб тоғма-тоғ югура олади. Кексаларнинг юз-кўзидан нур, сўзларидан дур томиб туради. Тоғлари бағрини арча-ю бодомлар, жийдаю ёнғоқлар, чашмаю булоқлар безагани каби элнинг кайвойилари ёшлари унинг хуснига ҳуснсдир.

Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партиясининг бир гуруҳ фаоллари Ғазалкентга йўл олдик. Йўл бўйи Олий Мажлис депутати, Миллий Тикланиш Демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши Раисаси Шарифа Салимова, Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ЎзМТДП марказий кенгаши котиби Ортиқали Қозоқов, "Жўрабек" қўшма корхонаси директори Мунира Қориевалар билан режалар ҳақида сўзлашиб кетдик.

Ғазалкент академик лицейи ва коллежида самимий кутиб олишди. Бу даргоҳ ғоятда чиройли қурилган, шундоққина тоғнинг биқинида жойлашган.

Бино пештоқида Президентимиз Ислом Каримовнинг иқтидорли талабалар билан тушган суратлари акс этган. Кўз қарашларидан фарзандларим, сизларга ишонаман! деяётгандек.

Фахр ва ифтихор ҳисси билан бинога қадам қўйдик. Бу ердаги замонавий фан кабинетлари, компьютер жиҳозлари ва ёруғ кутубхонани кузатар эканман дафъатан ўзим ўқиган Бадахшондаги пахса деворлар қўтарилган, ўтин билан иситиладиган мактаб эсимга тушди. Ва Ғазалкентлик болаларга қараб ҳавасим келди. Бу қадар улкан имкониятлар учун сиз камида ҳар бирингиз вазир, камида элчи бўлишингиз керак. Ватаннинг елкасига елка қўя олинг, дедим . Ота-онангиз сизни улғайтиргани учун кексаликда роҳат кўришга умид қилади, Ватан ҳам ота-онангиздек. Сиз унинг корига ярай билинг, дедим.

... Йиғин жуда шукуҳли, кўтаринки бошланди. Шарифа опа Салимова Олий Мажлиснинг XIV сессияси олдимизга қўйган вазифалар, терроризмга қарши курашда миллий қадриятларнинг аҳамияти ҳақида сўзладилар. Тийрак ёшлар Шарифа опага саволлар ёғдирдилар. Лекин жавоблардан ҳам қониққанликлари аён кўринди.

Ўлмас ака минбарга кўтарилганларида нигоҳлардан янада зийраклик сездим.

Ортиқали Қозоқов, Мунира Қориеваларнинг сўзлари ҳам Ватан қадри, қиммати ҳақида бўлди.

Ва ниҳоят...

Партиянинг туман бўйича биринчи котибининг сайлаш масаласи. Ўнлаб таклифлар, ўртага ташланди. Соғлом тортишувлар бошланди. Ва кўпчилик овози билан туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи Учқур Давлатов номзоди тасдиқланди. "Маърифатпарвар аёллар" қаноти раҳбари этиб Ғазалкент академик лицейининг директори Дилфуза Умурзоқова танланди.

Одатдагидек йиғин сўнггида "Жўрабек" қўшма корхонасининг юз минг сўмлик дори-дармонлари кам таъминланган оилаларга ҳайрия тариқасида тарқатилди. Дарвоқе, Ғазалкентдаги учрашув вилоят туманларида бўлиб ўтган мулоқотларнинг бешинчиси эди. Шундан сўнг тумандаги 125-болалар мактаб-интернатига эга эски бино. Юз йиллик тарихга эга эски бино. Амал-тақал қилиб ушлаб туришибди. Мактаб раҳбарларининг айтишича, мактабга 1990 йилдан буён Олий Мажлиснинг бирорта депутати қадам қўймаган экан. Аттанг дедик.

Болалар бизни ўраб олишди. Коля исмли ўқувчи "Онамни асра" қўшиғини айтиб берди. Ким ҳамшира бўлмоқчи, ким спортчи, ким журналист — ҳаммасини тингладик. Бу ерда дурадгорлик устахонаси, каштачилик тўгараклари бор экан. Болалар ўзлари тайёрлаган нарсаларни қувониб кўрсатишди. Орзуларини сўзлашди. Бу мактабга ёрдам бериш мақсадида боргандик. Мунира опа Қориева 150.000 сўмлик дори-дармонларни саховат сифатида топширди.

Яхшилар билан дийдорлашдик, кўнгилларга ёруғлик улашдик. Ватан равнақи миллий тикланиш йўлларида доимий ҳамроҳ бўладиган камарбаста дўстлар орттирдик. Ва Ғазалкентда кўрганларимизни қисқа қилиб сиз муштарийларга ҳавола қилдик...

Гулжаҳон МАРДОНОВА.
Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши матбуот маркази раҳбари

САҲИФАЛАРНИ ВАРАҚЛАСАНГИЗ:

2-бетда

Ялтироқ ва қиммат материаллардан кўра биноларни таъмирлашда кошинлардан фойдаланса бўлмайди-ми?

3-бетда

Ўзбекистондан Россияга бориб «сарсон» бўлиб қайтиб келган 28 килограмм героиннинг сири очилди

4-бетда

«Дугонажон, мен виждонсизни кечир, сенга хиёнат қилдим, эринг билан...»

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОНУН УСТУВОР

Адлия вазирлигида

Чет эл ноҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари ва уларнинг филиалларини рўйхатга олиш бўйича ҳуқуқий мақомни Адлия вазирлиги зиммасига юклаш хусусидаги Ўзбекистон Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 11 декабрдаги қарори қабул қилингач, хар ҳил бўхтонлар, ҳақиқатдан йироқ бўлган миш-мишлар, ўйлабнетмай айтилган фикрлар пайдо бўлган эди. Илгари рўйҳатга олиш ишлари Ташқи ишлар вазирлигида амалга ошириларди. Халқаро ташкилотларнинг аксарияти рўйҳатга олиш жараёнида рад этилади. Имтиёзларидан маҳрум бўлиб қолади деган асоссиз фикрлар тарқатилган эди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Абдусамат Полвон-зода хорижий ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказган матбуот анжуманидаги чет эл ва нодавлат ташкилотлари ваколатхоналари ва уларнинг филиалларини рўйҳатга олиш ишлари ҳақида журналистларга ахборот берди.

— Бундай бўхтон ва уйдирма гапларни ким, қандай мақсадда тарқатганини биз яхши биламиз, — дейди вазир. — Кимлар ўшанда бундай асоссиз ва уйдирма фикрларни тарқатган бўлса, бари уларнинг виждонига ҳавола. Адлия вазирлигида ҳозирги кунга қадар мурожаат қилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхона ва филиалларининг деярли ҳаммаси ҳукумат қарорида белгиланган муддат ва тартибда давлат рўйҳатидан ўтказилди. Рўйҳатга олиш тўғрисидаги ариза билан вазирликка 76 та ташкилот мурожаат қилди. Шундан 73 таси рўйҳатга олиниб, давлат реестрига киритилди. Айни пайтда бу ташкилотлар республикамизда қонуний асосда фаолият кўрсатаётир. Чет эл ноҳукумат ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари илгари эга бўлган барча, жумладан, божхона ва солиқ соҳасидаги тўлиқ сақлаб қолинган имтиёзлардан фойдаланаётир.

Ҳозирги кунда вазирликка Ўзбекистонда ўз фаолиятини юритишни мақсад қилган бошқа нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари топширган ҳужжатлар кўриб чиқилаётир.

Рўйҳатга олиш жараёнида ноҳукумат ташкилотларнинг бир қатор ваколатхоналари ўз фаолиятларида Ўзбекистонда амал қилаётган қонунчиликни бузган ҳолат борлиги учун расман огоҳлантирилди.

АҚШнинг халқаро муносабатлар Миллий демократик институти ва халқаро Республика институти (АҚШ) ваколатхоналарига шундай огоҳлантириш билдирилди. Юқорида номлари қайд этилган ваколатхоналар ўтган йилнинг июн ойида рўйхатга олинган, аммо бу вақт давомида улар томонидан қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди, жумладан, улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган — сиёсийлашган, фаолияти амалдаги қонунларга мутлақо зид бўлган "Эрк" демократик партияси, "Бирлик халқ ҳаракати партияси" деб аталган ва шунга ўхшаш бошқа тузилмалар билан доимий алоқада бўлиб келган.

Халқаро Республика институти томонидан 1999 йил 16 февралда Тошкентда террорчилик актларини ташкил этгани учун судланган Муҳаммад Солиҳ етакчилик қилаётган «Эрк демократик партияси» деган тузилма дастур лойиҳасини тузиш, чет эл экспертлари иштирокида тақриздан ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида ёритишда ёрдам кўрсатилган.

Бундан ташқари мазкур ваколатхона "Озод деҳқон партияси" деган тузилманинг таъсис съездига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда бевосита иштирок этган. Семинар ва тренинглар конституциямизга қарши кайфиятда бўлган алоҳида гуруҳлар иштирокида ўтказилган. Шунингдек, бу ваколатхона томонидан ажратилган маблағларнинг тўғри сарфлаш ҳақидаги қонунчилик талаби ҳам бузилган. Семинарлар ўтказилаётган пайтида иштирокчиларига қонун талабларига зид равишда нақд пул маблағлари, стипендиялар тарқатилган. Қайд қилинган бу ваколатхона фаолияти нохолис хусусиятга эга бўлиб, рўйҳатга олиш ҳужжатларида баён этилган талаблар доирасидан бутунлай чиқиб кетган.

"Фридом Хауз" ташкилоти ваколатхонаси фаолиятида ҳам алоҳида қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги қайд этилди. Хусусан, мазкур ваколатхона томонидан Конституцияга мутлақо зид даъволар битилган, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни бир томонлама ва ғаразли мақсадда баҳолайдиган адабиётлар, видеотасмалар тарқатилганига нима дейсиз? Адлия вазирлиги бу ваколатхонани мамлакатимиз ички ишига аралашишдан ўзини тийишга, Ўзбекистоннинг қонунчилик талабларига қатъий риоя этиш ҳамда миллий қадрият ва анъаналаримизни ҳурмат қилишга чақиргани ҳам бежиз эмас.

АҚШнинг халқаро муносабатлар миллий демократик институти ва халқаро республика институти (АҚШ) ва "Фридом Хауз" ташкилоти ваколатхоналари давлат рўйҳатга олиш чоғида Адлия вазирлиги томонидан уларнинг раҳбарлари фаолиятлари мобайнида қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйса, рўйҳатдан ўтказилганлик ҳақидаги қарор қайта кўриб чиқилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Мамлакатимизда амал қилаётган қонун талабига кўра нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши, рўйҳатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаётган тадбирларга эркин кириш имконини бериши, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши шартлиги белгилаб қўйилган. Аммо "Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси" (Сорос фонди) ваколатхонаси ўзининг кўпгина тадбирларини рўйҳатдан ўтказган идорадан яширган. Пул маблағларини нотўғри сарфлаган. Ваколатхона томонидан бир неча марта мамлакатимиз шаънига нисбатан бўхтонлар битилган адабиётларни тарқатган, давлатимиз обрўйига ва нуфузига путур етказадиган ҳатти ҳаракатлар содир этилган.

«Очиқ жамияти институт кўмак жамғармаси ваколатхонаси» томонидан ўтказилган ўқув ташвиқот, шунингдек, сиёсий хусусиятдаги, мазмун-моҳияти билан диний экстремистик гуруҳларнинг Конституциямизга зид фаолиятларини қўллаб-қувватлайдиган тадбирларни оқлаб бўладими?

(Давоми 3-бетда)

Қашқадарё: истиқлол йўлларида

Шаҳрисабз Қашқадарёнинг энг сўлим гўшаларидан бири. Ҳавосининг тозалигини айтмайсизми? Тоғлар яқинда, Тадбиркорлари саховатли, олимлари зукко, хунармандларнинг қўли гул, бобо деҳқонлари ишнинг кўзини билади.

Шаҳарга Амир Темур ордени ярашиб турибди. Шахрисабзнинг қоқ марказида Оқсарой қаршисида Амир Темур ҳайкали бунёд этилганинг ўзи бир тарих, Оқсарой минорасининг тепасига чиқиб томоша қилсангиз, баҳри дилингиз яйраб кетади. Бир тарафда Мироқи манзаралари, яна бир томонда Китоб тоғларининг дилтортар жозибаси кўзга ташланади. Бугун шаҳарда бўлган киши кенг бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлади: йўллар кенгайтиралаётир, ҳиёбонлар ободлашаётир. Яхшиси, минг бор эштгандан бир бор кўрган маъқул.

Ҳамкоринг ишончли бўлса

Банк тизимида

Иқтисодий жараёнлар кўп тармоқли, бир-бирига боғланиб кетган шундай бир мураккаб ҳалқаки, уни тартибга солиб бориш, замон талабларига мувофиқлаштириш ва ўзаро муносабатларни йўлга қўйишда банк тизими муҳим ўрин тутади.

Шу нуқтаи назардан ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Ғузор филиали жамоаси ҳам тизимда барқарор иқтисодий муносабатларни таркиб топтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бир сўз билан айтганда, аҳолининг ишончли ҳамкори бўлиб қолмоқда.

Банкимиз фаолиятидаги энг муҳим йўналиш — хўжаликлар, корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини кредитлашдир. Масалан, 2004 йилнинг биринчи чораги давомида банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ҳукуматимиз қарорлари ижроси ҳамда банк фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш юзасидан муайян ишлар бажарилди. Асосий эътибор банк сармоясини мустаҳкамлаш, мижозларга замонавий банк хизмати кўрсатишга қаратилди. Бу мақсадда хизмат ва омонат турларини кўпайтириш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб қилишни кўпайтириш асосида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини мунтазам кредитлашга ҳаракат қилдик.

Мижозларга замонавий банк хизмати кўрсатилиши, яъни ҳисоб рақамидаги пул маблағларини вақтида мижоз талаби бўйича керакли жойларга ўтказиб берилиши, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича нақд пул билан таъминланиши, аҳолидан жалб қилинган омонатларга буюртмачини қониқтирадиган даражада фоиз тўловлари амалга оширилганлиги натижасида қисқа муддат ичида мижозларимиз сони қарийб 142 тага кўпайди.

Филиалимиз мижозларга тўлов хизмати, касса хизмати ва кредитлар ажратиш ҳамда валюта сотиш ҳисобидан ўтган йилнинг биринчи чорагида 48,4 миллион сўм даромад олган эди. Жорий йилнинг шу даврида эса уч ойда 53,8 миллион сўм даромад қилган ҳолда 17,0 фоиз самарадорликка эришди.

Хуллас, жамоамиз туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни тобора кенгайтириш ва янги ишчи ўринлари яратиш ҳамда мавжуд корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашда маблағларни оқилона йўналтириш пайида бўлаяпти.

Мижозларимиз сонининг кундан кунга ошиб бориши ва уларга имтиёзли кредитлар ажратилиши натижасида ишлаб чиқаришнинг кенгайиши нафақат филиал молиявий кўрсаткичларини яхшилашга, балки, туман иқтисодининг кўтарилишига ҳам хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, пахта, ғалла, пилла тайёрлаш бўйича шартномавий режалар бажарилишида ҳам банк ходимларининг муносиб улуши бор. Зеро, кейинги йилларда филиал тизимида катта ўзгаришлар ясаш саъй-ҳаракатларини қилдик. Фаолиятимизни кучайтириш учун замонавий компьютер воситалари ва бошқа техник жиҳозлар билан таъминладик. Ишни давр талаблари асосида ташкил қилдик.

Филиалимиз ёрдами билан қишлоқ жойларида ташкил этилаётган кичик корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари моддий таъминотини мустаҳкамлаб, аҳоли онгида мулкка бўлган муносабатни шакллантириш ва қишлоққа саноатни тезроқ олиб кирилишига эришишни мақсад қилганмиз. Чунки, кредит сиёсатининг ҳуқуқий тартибга солиниши истеъмол бозори такомиллашуви ва аҳоли эҳтиёжи учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига олиб боради.

Фаолиятимиз давомида филиалимиз ўз капиталини кўпайтириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш билан бирга ходимларнинг сифат таркибини яхшилашга ҳам катта эътибор қаратяпти. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви тавсиялари асосида мутахассисларимиз малакасини ошириш дастури ишлаб чиқилган. Ўқитиш ва қайта тайёрлаш ишлари намунали йўлга қўйилди. Пойтахтда ва хорижда малака ошириб қайтган ходимларимиз меҳнати самараси ўлароқ, банк операцияларининг янги-янги турларини жорий этишга муваффақ бўлаяпмиз.

Мухтасар айтганда, филиалимиз жамоаси мижозлар олдидаги мажбуриятларини тўла бажариб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожига, олиб борилаётган ислоҳотлар чуқурлашувига салмоқли улуш қўшмоқдалар.

Норқувват ҲАЛИЛОВ,
Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки Ғузор филиали бошқарувчиси

Акциядор ҳам, инвестор ҳам манфаатдор

«ҚАРШИЁҒ» ИСТИҚБОЛИ

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари ўрталарида бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган «Қарши ёғ-экстракция» очиқ акциядорлик жамияти биноси ва иншоотлари, дастгоҳлар ҳамда асбоб-ускуналар маънавий жиҳатдан эскириб қолганди. Уларнинг кўплари ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Шу боис бу эскириб қолган техника воситаларини янгилари билан алмаштириш давом эттирилмоқда. Ишлаб чиқаришдан тушган маблағларнинг асосий қисми таъмирлаш ишларига сарфланаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Ҳар бир сўмни тежаб-тергаб ишлатиш, таъмирлаш ишларини сифатли бажариш, бундан ташқари энергетика ресурсларини камроқ сарфлаб, кўпроқ самарага эришиш уларнинг эзгу ниятидир. Ҳафтанинг ҳар сешанба куни сифат куни, деб белгиланиб, тегишли тадбирлар амалга ошириб турилаётир. Шу ўринда ўтган йили корхонада кўпгина таъмирлаш ишлари сифатли бажарилганлигини айтиб ўтиш жоиз. Масалан, буғ қозони тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Юқори кучланишли заҳира электр узатиш линияси қурилиши тугалланиб ишга туширилди. Буғ қозонлари цехида янги дезоратор ўрнатилди. Экстракция цехида учта янги совутиш ускунаси ишга туширилди. Асосий ишлаб чиқариш цехининг қора ёғни фильтрлаш бўлимида реконструкция ишлари бажарилди. Вальцовка қурилмасидан олдин жойлашган элак таъмирланиб ишга туширилди.

Таъмирлаш ишлари ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Чунончи, айни пайтда совун цехи биносини реконструкция қилиш жадаллаштирилаётир. Ёғни 1 ва 5 литрлик пластмасса идишларга қадоқлаш ускунаси сотиб олиш учун тегишли шартномалар расмийлаштирилди ва 2-сонли материаллар омбори реконструкция қилиниб ёғ қадоқлаш цехига айлантирилмоқда.

Бу ҳаракатларнинг бари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, ишчи-хизматчилар фаровонлигини оширишга йўналтирилган.

Ўтган йили корхонамизда 71 минг 106 тонна пахта чигит қайта ишланди. Ваҳоланки, 2003 йилда бизнес режага асосан 55 минг тонна чигитни қайта ишлаш режалаштирилган эди. Кўриниб турибдики, корхонада режадагига нисбатан 16 минг 106 тонна чигит кўроқ қайта ишланди. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 15,6 фоизга ошди.

2003 йилда умумий маҳсулот ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 4 миллиард 13 миллион сўмга бажарилди. Бу кўрсаткич 2002 йилда 3 миллиард 91 миллион сўмлик бўлганлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Демак, ўсиш суръати 129,8 фоизни ташкил қилди.

Асосий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича корхона эришган натижалар қуйидагича: оқланган ёғ ишлаб чиқариш режаси — 117 фоизга, шрот маҳсулоти — 120,4 фоиз, шелуха — 118,2 фоизга уддаланди. Қайта ишланган чигитдан 12 минг 628 тонна ёғ олиниб, ундан 10 минг 980 тонна оқланган пахта ёғи ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари, бу ерда асосий маҳсулотдан ташқари 320 тонна соя ёғидан фойдаланиб, 1 минг 68 тонна «Ўзбекистон» омухта ёғи тайёрланиб, эл дастурхонига тортиқ этилди.

— Кейинги беш-олти йил ичида акциядорлик жамиятимиз мамлакатимиздаги йирик корхоналардан бирига айланиб қолди, — дейди биз билан суҳбатда жамият бошқаруви раиси Дилшод Равшанов. — Бугунги кунда маҳсулотларимиз Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг дўкону бозорларида сотилмоқда, тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Ҳатто яқин хориж мамлакатларида ҳам мижозларимиз кўплаб топилади.

Ўтган йили корхонамизда қабул қилинган чигитнинг асосий қисми сифатсиз бўлганлигига қарамай, корхона инженер-техник ходимлари ва ишчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари, ўз ишларига масъулият билан ёндошганликлари туфайли пировард натижа яхши бўлди. Ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ўсиб бораётир. 102,4 миллион сўм миқдоридаги маблағ одамларга мукофот сифатида тарқатилганлиги фикримиз далилидир. Айни пайтда корхонамиз очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Қарши ёғ-экстракция» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси деб аталаётир. Бир дона акциянинг номинал қиймати эса 200 сўмдан 600 сўмга кўтарилди.

Корхона ҳудудида ажойиб боғ яратилган. Айни пайтда мевалар пишиб етилмоқда. Мўъжазгина иссиқхонада етиштирилган лимон, помидор, бодринг ва бошқа сабзавотлар ишчилар дастурхонига қўйилмоқда. Ёрдамчи хўжаликда эса 105 бош қорамол, 70 бош қўй-қўзи мавжуд.

Корхона асосий фаолиятидан 777 миллион 195 минг сўм соф фойда олди. Буларнинг барчаси одамларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади. Зеро, шахсий манфаат — умумий манфаат пойдевори эканлигини одамлар яхши биладилар.

Айни пайтда корхонани янги мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бинобарин, аҳдига содиқ қашқадарёлик деҳқонлар бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил кўтаришмоқчи. Демак, чигит ҳам сероб бўлади.

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси

Қўли очиқнинг — йўли очиқ

ЯХШИЛИК БУЛОҒИ ҚУРИМАС

Кўп зоти шарифлар абадий қўним топган бу мозоротнинг номи "Хўжа Илғор ота" деб аталади. Қабр ёнидан ўн тўрт аср бўляптики булоқ суви чиқиб турибди. Уни яна халқ орасида кўп дардларга шифобахшлиги билан ном чиқарган — "чиллабулоқ" ҳам дейишади. Шу қишлоқда соҳибқирон Амир Темур бобомиз таваллуд топган.

Тошкент-Китоб темир йўли ёқаоида, Яккабоғ туманининг "Амир Темур" ва "Соҳибқирон" номли ширкат хўжаликлари ҳудудида жойлашган бу зиёратгоҳ Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тубдан қайта таъмирланди. Ободонлаштирилди. Хўжа Илғор ота қабри устидаги қабртош таъмирланди. Миллий анъаналаримиз руҳида жило берилган айвон қурилди. Зиёратгоҳга кирадиган дарвоза, дарвозанинг ўнг ва чап томонидан янги бинолар, гулзорлар барпо этилди.

— Зиёратгоҳни ободонлаштиришга бош-қош бўлган Ғуломжон Қурбоновнинг отасига минг раҳмат, — дейди 75 ёшли қишлоқ оқсоқолларидан бири Бурҳонхўжа ота Камолов. — "Яккабоғ дон маҳсулотлари" масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан зиёратгоҳ қайта қурилди. Улуғлар ётган қадамжоларни обод этганларни Аллоҳ таоло икки дунёда саодатманд этсин.

Биз ҳам отанинг бу ниятлари ижобат бўлишига тилакдошмиз.

— Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бу ерга юзлаб нуронийлар, фермерлар, хўжаликлар бошлиқлари, дунёвий ва исломий илмлар соҳиблари, ҳамқишлоқларимиз келишди, — дейди ҳамроҳимиз Абдусаматхон Раҳматов. — Бу тарихий жойдаги ободончиликни кўриб ҳамма чин дилдан севинишди.

Дарвоқе, Хўжа Илғор ота зиёратгоҳини қайта бунёд этиш учун Ғулом Қурбонов бошлиқ жамият ўттиз тўрт миллион сўм маблағ сарфлагани, корхона йилдан-йилга иқтисодий бақувватлашиб бораётгани, маҳсулот ишлаб чиқариш сифати яхшиланган, ҳажми ҳам ортаётгани, бугунга келиб чет эл илғор технологияси ускуналари билан қайта жиҳозланганги, тегирмон цехида суткасига 140 тонна биринчи ва олий навли ун тайёрланаётгани хусусидаги маълумотлар албатта эътиборга лойиқ.

Жамият қошида зиғир мой, масхар ёғи ишлаб чиқарадиган цехлар, моторларни қайта таъмирлайдиган устахона комплекси ишлаб турибди. Жамиятга қарашли иккита сара уруғ цехида тайёрланган ғалла уруғи Қашқадарёнинг ҳамма туманларига ва ҳатто қўшни вилоятларга ҳам етказиб берилди. Ишчи-хизматчиларнинг сайи ҳаракати билан 100 гектар ер ўзлаштирилди. Пенсионерлар, ночор оилалар, ногиронлар, оталиқдаги мактаб ва маҳаллаларга, Меҳрибонлик уйларига доимий моддий ёрдам кўрсатмоқда.

Ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари ишчи-хизматчиларга бозордаги нархларнинг ярим баҳосида берилмоқда.

Ғалла етилаётир. Ҳадемай ўрим бошланади.

Бугун корхона мавсумга тахт.

Ғулом Қурбоновга тўрт мисра шеър ўқиб бердим:

"Бизни ёдга олганнинг замони
обод бўлгай,
Макони обод бўлгай, жаҳони
обод бўлгай.
Не экса ўриб олгай ўшани
одам бешак,
Бизни ёдга олганнинг хирмони
обод бўлгай".

Суннатулло ИСЛОМОВ

АБДУЛЛА БОБО НЕГА ХАФА?

Қадимдан ҳунармандчилик марказларидан бири саналган Шаҳрисабзда бугун ҳам кошинчиликларнинг кўплаб давомчилари бор. Аммо бу соҳага эътибор йўқ!

Улар бир неча минг йиллардан буён авлодлардан мерос бўлиб келаётган санъатнинг шу турини давом эттираяпти.

Хусусан, Янгиқишлоқлик 80 ёшни қоралаган Абдулла бобо Файзиев кошинсозлик соҳасида узоқ йиллардан буён меҳнат қилади. Бевосита отахоннинг иштирокида ишлаб чиқарилган кошинлар Шаҳрисабз тумани ва юртимизнинг қадамжоларини таъмирлашда ишлатилаяпти. Бу эса обидаларнинг тарихий хусусиятларини ўзида сақлаб қолиш учун қўл келади.

Ҳозирда қарилик гаштини сураётган Абдулла бобо ота-боболаридан мерос бу касбнинг давомчисигина бўлиб қолмади. Келажаги учун ҳам қайғуради. Тўрт ўғлини ёнига олиб ишлади. Кичик ўғли Машраб Файзиев ота касбининг барча сир-синоатларини мукаммал ўрганди. Отасининг маслаҳат ва кўрсатмаларига қулоқ тутиб, кошин ишлаб чиқаришни янгидан, кенгроқ йўлга қўйиш учун интилди, изланди. Унинг бу ҳаракатлари бесамар кетмади. М. Файзиевга ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси томонидан 6500 АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиб берилди. У ўзи яшаб турган ҳовлида қадимий услубда кошин ишлаб чиқариш технологиясини ўрнатиб, устахона барпо қилди. Устахонанинг қурилиш ишларида унга отаси Абдулла бобо бош-қош бўлиб турди. Яратилган мазкур янги устахонада илк кошинлар ишлаб чиқарилиб, намуналар тайёрланди.

У имкон қадар XIV — XVI аср ҳунармандлари томонидан тайёрланган кошинларнинг хусусиятларини маҳсулотларида акс эттирди.

Эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, кошин учун керак бўладиган ранг бўёқларни Машраб ўз устахонасида эскича услубда тайёрлайди.

Бунинг учун зарур бўладиган маҳаллий хомашёлар — тоғ тошлари, дарахтлардан олинадиган ёпишқоқ суюқлик, қирқбўғин ўсимлиги ва бошқалар ишлов берилиб, ишқор ҳолатига келтирилар ва қоришмалар асосида ранг ҳосил қилинар экан.

Вилоят музейлари бош директори, тарихчи-археолог Наби Хушвақтов мутахассис сифатида Абдулла бобо яратган ҳунармандчилик мактаби ва унда тайёрланадиган кошинларнинг сифатига баҳо бериб шундай дейди:

— Евро комиссия томонидан молиялаштирилган ПАКТ Темур грант лойиҳаси асосида Франциядаги Бордо-3 ҳамда Ломоносов номидаги Москва Давлат университетлари, Италиянинг Калта Жирони шаҳридаги "Сопол идишлар" музейи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат ва жамият қурилиши академиясининг "Янги тарих" маркази, Ўзбекистон Фанлар академиясининг археология институти, Шаҳрисабздаги Амир Темур музейи олим ва мутахассислари томонидан XX асрнинг 90-йилларида бевосита Абдулла бобо иштирокида ишлаб чиқарилган кошинлар Бордо-3 университетининг лабораториясида XIV — XVI асрларда тайёрланган мозаика, маёлика, кошинлар билан қиёслаб ўрганиб чиқилган. Натижалар шуни кўрсатадики, XIV — XVI асрларда яратилган мазкур ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрланиши кўрсаткичларининг 75 фоизи асримизда Абдулла бободек ҳунарманд қўлида сайқал топган кошинларда акс этган. Қолган 25 фоизини акс этмаганлигининг сабаби эса тупроқ таркибидаги туз билан боғлиқ муаммолар мавжудлигидир.

Ўша пайтларда тайёрланган мозаика, маёлика ва кошинларнинг тупроқлари — хом ашёси сел лойқаларидан олинган. Бизнинг давримизда эса бундай табиий имкониятнинг камлиги, қийинчиликлари 100 фоиз кўрсаткичга эришишга тўла имкон бермайди.

Ҳозирда нисбатан 75 фоизли кўрсаткични қайд этадиган, лекин бугуннинг талабларига тўла мос келадиган ушбу кошинларнинг ишлаб чиқаришнинг ўзи бизнинг ютуғимиз, — дея сўзини якунлайди Хушвақтов.

Ушбу фикрнинг тўғрилигини 1979 йилларда Шаҳрисабздаги "Кўк гумбаз" масжидини таъмирлашда ҳунарманд Абдулла бобонинг меҳнати сингган кошинларнинг ишлатилганлиги ва улар чорак аср ўтибдики, ўз хусусиятлари ҳамда кўринишини йўқотмаганлигини ҳам таъкидлади.

Ҳа, Абдулла бобо қўлигул ҳунарманд. У яратган маҳсулотларнинг юқори даражада, сифатли эканлиги фикримизнинг далилидир. Энди унинг издоши, ўғли Машраб ўз уйида ташкил этган устахонасида турли ўлчам ва шаклдаги кошинларни отаси билан ҳамнафас туриб тайёрлаб беришга қодир.

Лекин устахона тўла маромда ишлашга шай бўлса-да, у жойда иш олиб борилмаяпти. Воҳамизда кошин ишлаб чиқарадиган бошқа устахона ёки цех йўқ.

Демак, бундай маҳсулотларга эҳтиёж катта бўлиши керак-ку?

М. Файзиевдан буюртма, талаб йўқ, деган жавобни олдик.

Наҳотки, вилоятимизда кошинлар билан безак бериладиган иншоотлар йўқ бўлса? Ахир усти ялтироқ ойналар билан безатилаётган биноларнинг уч-тўрт йилда аҳволи не кечаётганини гувоҳи бўлиб турибмиз-ку? Нархини айтмаса ҳам бўлади. Шаҳрисабз туманида кошинсоз ва унинг кошин ишлаб чиқарадиган устахонаси борлигидан хабарингиз йўқми?

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш арафасида бунёдкорлик, таъмирлаш ишлари авж олган паллада, тарихий иншоотларни қайта тиклашда Абдулла бобо кошинлари қўл келади, деб ўйлагандик.

Афсус... Хорижликлар назарига тушган бизнинг миллий ҳунармандчилигимиз борасида маҳаллий мутасаддилар ҳам қайғуришса ёмон бўлмасди.

Кўҳна Кешда ишлаб чиқарилдиган кошинларни юртимизда ва хорижда ўтказилган турли ҳунармандчилик кўргазмаларида кўз-кўз қилса арзийди.

Машраб интилишдан, изланишдан тўхтатмайди. Аксинча, у имконият кидирмоқда.

Турмуш ўртоғи Феруза Худойқулова ҳам моҳир ҳунарманд аёл. Ферузанинг кўз нури, қалб меҳри билан жило топган миллий каштачилигимиз намуналари ҳар қандай санъат ихлосмандини ўзига ром этади. У ўзи тиккан кашталари билан вилоятимизда ўтказилган бир қанча кўргазма ва тадбирларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган. Унга бир неча тадбиркор ва ишбилармонлар бирга ишлаш таклифини билдирса-да, у бошқа йўлни танлади. Умр йўлдошининг таклифига биноан "Устоз-шогирд" мактабини очиб, қишлоқ ёшларига Машраб кошинсозликни, Феруза эса каштачилик сирларини ўргатишни афзал билди. Ҳозир ушбу ҳунарманд оила вакиллари бу борада саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Камолиддин КАРИМОВ

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

(Боши 1-бетда).

Жиззах туманидаги «Оғача» қишлоғида партиянинг вилоят ва туман кенгаши фаоллари маҳалла аҳли билан суҳбатда бўлишди. Унда партиянинг вилоят кенгаши раиси Абдуғаффор Маматов, кенгаш раиси ўринбосари Умурзоқ Жуманазаров, партия фаоли Пардавой Худойбердиевлар қатнашдилар.

* * *

Наманган вилоятида ўсмир ёшларнинг сиёсий мафкурасини тўғри йўналтириш мақсадида партиянинг вилоят кенгаши «FM» Ёшлар радиоканали билан ҳамкорликда ишлашни режалаштирди. Унда радиода турли маърифий ўйинлар ташкил этиш, ёшларни қизиқтириш асосида билим бериш, уларнинг дунёқарашларини ижобий шакллантириш кўзда тутилган.

* * *

Партиянинг Сирдарё вилоят Гулистон туман кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят кенгаш раиси Маматқул Бозорбоев, раис ўринбосари Хотам Нишоновлар ва бошқа партия фаоллари иштирок этдилар. Йиғилишда сайловолди жараёнларга тайёргарлик, жойлардаги ташкилотларни кадрлар билан таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сайловолди жараёнларга тайёргарлик, жойлардаги ташкилотларни кадрлар билан таъминлаш, терроризмга қарши курашда «Миллий тикланиш» партиясининг вазифалари ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ушбу йиғилишда «Терроризмга қарши курашда миллий қадриятларнинг аҳамияти ва меҳр-мурувват туйғуларининг ёшлар тарбиясига таъсири» мавзусида жойларда ўтказилаётган муҳокот, учрашувларни янада кенгайтириш вазифаси қўйилди.

* * *

Тошкент вилоят кенгашида партиянинг жойлардаги ташкилотларини кадрлар билан таъминлаш, шунингдек, туманлардаги маҳаллалар, мактабларда халқаро терроризмга қарши курашда миллий қадриятларнинг аҳамияти мавзусида учрашув, мулоқотлар ўтказиш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга жиддий аҳамият берилмоқда. Хусусан, кам таъминланган оилаларга бепул дори-дармонлар тарқатишда партия котиби, «Жўрабек» хусусий дорихонаси раҳбари Мунира Қориеванинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Май ойида Тошкент вилояти туманларида ўтказилган партия йиғилишлари ва аҳоли билан учрашувларда кўплаб миқдорларда дори-дармонлар улашилди. Бўстонлиқ, Тошкент, Янгийўл, Пискент, Юқоричирчиқ туманларида бундай хайрия ёрдамлари кўрсатилди.

(Ўз мухбиримиз)

УЧҚЎРҒОНДА МАЛИКАЛАР КЎП ЭКАН...

Лавҳа

"Қишлоқ ҳаёти" газетасида босилган Учқўрғондаги хўжаликларнинг бирига раҳбарлик қилаётган София опа ҳақидаги ёзган очеркимга "Учқўрғон маликаси" деб сарлавҳа қўйгандим. Бу гал хизмат сафари билан туманда бўлганимизда, туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Баҳодир Охунов "Учқўрғонда "Миллий тикланиш" газетасига очерк ёзса арзийдиган яна бир аёл билан таништириб қўяман, — деди. — Меҳнат қилиб роҳат оладиган, тадбирли, қанча мақтаса муносиб пудратчимиз бор. Сожира Ботирқулова ҳақида ёзсангиз нафақат Учқўрғон, балки Наманган аҳлининг кўнглидаги мақола бўлади...

Ҳамроҳимиз Жалолобод ширкат хўжалигига вакил қилиб белгиланган Учқўрғон пахта тозалаш хиссадорлик жамияти раиси Аъзамжон Ишонов билан Сожира опа Ботирқулова ҳузурига бордик.

Одмигина — раисча этигидан тортиб, кўйлак рўмолигача деҳқонни англатиб турадиган Сожира опа камтар аёл экан. "Қизил" гапларни билмайди. Пахтаю ғалласидан бўлак дарди йўқ, бу аёлни! Уттиз йилдан бери далада — ер билан тиллашар экан. Айримларга ўхшаб муаммолару ютуқларни гапирмади. Бир текис униб чиққан ғўза ниҳолларидан умиди катталигини қисқа қилиб айтди, холос. Ҳамроҳимнинг таъкидича, Сожира опа жуда машҳур пахтакор экан. — Мамлакатимиз Олий Кенгашига депутат бўлган кезларим мустақиллик декларациясини ёқлаб овоз берганимдан, миллат тақдирида муҳим рол ўйнаган Мустақил Ўзбекистонимиз Байроғини, Гербини, Гимнини қабул қилишда қатнашганимдан доимо ғурурланиб юраман, — дейди Сожира опа.

Йигирма йилдан ортиқ мухбирлик фаолиятимда мамлакатимизнинг турли туманларидаги юзлаб пахтакорлар ҳақида мақолалар ёзган бўлсам ҳам, бунақа пахтани яхши кўрадиган инсонни кам учратганман.

Ҳар қандай оби-ҳаво шароитида ҳам у мўлжалдаги ҳосилни етиштириб олган, — дейди ҳамроҳим.

— Лавозими ҳам оддий, — бош пудратчи. Эллик гектар пахта майдони, 24 гектар ғаллазори бор.

Эрта экканга эрта беради. Бу деҳқонлар нақли.

Эрта турганга ҳам эрта беради, бу Сожира опанинг шиори.

— Пудратчилар ҳам тонг саҳарда ишга чиқиб кунинг иссиғида дам олишга одатланган, дейди Сожира опа. Бунинг учун шароит бор. Дала шийпонимизни ҳомийлар мавсум бошида замонавий қилиб таъмирлаб беришди. Қишлоқ деҳқонини — пахтакорини ўйлайдиган, у жойларда меҳнат қилаётган опа-сингилларига меҳр-мурувват кўрсатиб ёрдам бериш ташаббуси билан чиққанлар кам бўлмасин. Деҳқони бой бўлган юртнинг келажаги бор.

Деҳқонларни танти, мард деб мақтаймиз, кўнгилларини кўтарамиз. Улар сабру бардошлари билан ҳам тасанноларга лойиқ. Маошини вақтида ололмаса ҳам "бир кун беради-да" деб қаноат қилади. Ҳатто,- кўплари ойлиги қанча эканини билмайди ҳам. Камтарона яшайди, камтарона кийинади. Мақтанишга уялади. Уларга манманлик ярашмайди.

Оби гил билан тиллашиб ризқ яратаётган Сожира опалар бор бўлсин. Шоир Муҳаммад Раҳмон таъбири билан айтганда, Пахта экишни қойилмақом қиладиган, аммо "пахта қўйиш"ни билмайдиган маликаларга таъзим. Пахтангиздан-да оппоқ кўнгилларингизга асло ғубор тушмасин. Қадоқ-қадоқ қўлларингиз дард кўрмасин!

Ўринбой КЕНЖАЕВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОНУН УСТУВОР

(Боши 1-бетда).

Шу сабабларга асосланиб Адлия вазирлиги "Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси" ваколатхонасини давлат рўйҳатидан ўтказишни рад этди.

Адлия вазирлиги қонунларимиз, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат кўзи билан қараган барча халқаро ва чет эл нохукумат ташкилотлари ваколатхона ва филиалларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қуватлайди ва амалий ёрдам кўрсатади. Шу ўринда мамлакатимизга хайриҳоҳлик ва холислик нуқтаи назаридан қараётганлар фаолиятини эътироф этилди. Масалан, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида «Чегара билмас шифокорлар» (Голландия), «Конрад Аденаур» ҳамда «Фридрих Эберт» номидаги фондлар, Гёте институтининг Тошкент филиали, Европа ва Шарқ мамлакатлари ўртасида маданий алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган «Буюк Ипак йўли» дастурини амалий ижроси билан шуғулланишида иштирок этаётган «Карвонсарой» (Франция) ваколатхоналари амалга ошираётган кенг кўламли ва самарали ишлар таъкидланди. Халқаро ҳамкорлик бўйича Америка агентлиги (ЮСАИД)нинг тадбиркорлик, тиббиёт, таълимни ривожлантириш юзасидан қиёсий-ҳуқуқий тадқиқотлар бўйича лойиҳаларни амалга тадбиқ этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар юқори баҳоланди. Россия саноатчилар ва тадбиркорлари иттифоқи ҳамда Россия ишбилармонлар маркази ваколатхоналари фаолияти ҳақида ҳам ижобий фикр билдирилди.

Матбуот анжуманида вазир сиёсий партияларни рўйҳатга олиш масаласида ҳам алоҳида тўхталди.

Ўзбекистонда бугунги кунда Ўзбекистон халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси ва тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси рўйҳатга олинган. Баъзи бир хорижий давлатларнинг оммавий ахборот воситалари ва айрим нохукумат ташкилотлари тарқатаётган баёнот ва хабарларда, гўёки Ўзбекистонда «Эрк», «Бирлик», «Озод деҳқонлар» каби сиёсий тузилмалар асоссиз равишда рўйхатга олиш рад этилмоқда, деган даъволар ҳақиқатдан мутлақо узоқ, бундай хабарлар ҳеч қандай асосга эга эмас, эканини вазир алоҳида таъкидлади.

Адлия вазирининг расман маълум қилишича, «Эрк» тузилмаси рўйҳатдан ўтиш учун ҳен қандай таъсис ҳужжатларини топширмаган. Бундан ташқари бу ноқонуний тузилманинг раҳбарлари, хусусан, унинг етакчиси Муҳаммад Солиҳнинг жиноий қилмишларидан бутун Ўзбекистон халқи хабардор. У 1998 йил декабр ойида Афғонистоннинг Қобул шаҳрида талайгина оғир жиноятлар содир этиб жазодан қочиб юрган Т. Йўлдошев, Ж. Ҳожиев (Жума Намангоний) билан бирга давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш ва «Ўзбекистон Ислом ҳаракати» жангариларини республикамиз ҳудудига қуролли хужум уюштириш орқали кириб ҳокимиятни эгаллаш сингари қабиҳ режани ишлаб чиққан. Аммо бу ёвуз режа, қабиҳ жиноят ташкилотчиларининг ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра амалга ошмай қолди. Ўзбекистон Олий суди ҳукмига кўра Муҳаммад Солиҳга 15 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. Халқаро қидирувдаги бу кимса ҳозирги пайтда Европа давлатларининг бирида яшириниб юрибди.

«Фридом хауз», Миллий демократик институт, Халқаро демократик институтнинг ваколатхоналари ходимлари эса бу ноқонуний тузилманинг етакчиси ҳануз М. Солиҳ эканини била туриб, уни турли йўсинда қўллаб-қувватлаётир, бу тузилмани расман рўйҳатдан ўтказишга уринишаётир.

Мумкин, бу жаноблар хавфли жиноятчини ҳимоя қилиб Ўзбекистон Республика қонунларини кўпол бузаётганини англаб етмаётгандир.

Экстремистик кайфиятдаги бундай норасмий гуруҳларни қўллаб қувватлаш, уларни паноҳи остига олиш алоҳида вазиятларда мамлакатимиздаги демократик тараққиёт ва барқарорликка хавф солади. Бундай ҳаракат мустақил давлатнинг ички ишларига аралашишдан бошқа нарса эмас ва амалдаги қонунчиликка мутлақо зиддир.

Адлия вазирлиги «Бирлик» тузилмасини атрофига гўёки бирлашиш истагини билдирган фуқароларнинг имзолари оммавий равишда қалбакилаштирилгани учун рўйҳатдан ўтиш учун топширган ҳужжатларини кўрмасдан қолдирди. Текшириб кўрилган 448 имзонинг 329 таси қалбакилиги аниқланди. Таъсис ҳужжатлари ҳам қонунчилик талабларига зидлиги учун шундай йўл тутилди.

"Озод деҳқонлар партияси" деб аталган тузилманинг вазирликка топширган ҳужжатлари ҳам қалбакилаштирилган, низом ва бошқа таъсис ҳужжатлари қонун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Шунинг учун бу ҳужжатлар кўрилмасдан қолдирилди. Бизга аёнки, бу тузилмалар аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмагани боис ҳам етарли имзо тўплай олмаган.

Адлия вазирининг билдиришича, жуда кўп ҳолатда фуқароларнинг имзоларини қалбакилаштирган айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Қонунларимизни, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизни ҳурмат қиладиган халқаро ва нохукумат ташкилотларга вазирлик ҳар томонлама ёрдам кўрсатган ва бундан кейин ҳам уларни қўллаб қувватлайверишини вазир алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда 2004 декабр ойида бўлиб ўтадиган давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларга тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунда барча партияларнинг сайлов компаниясида иштирок этиши учун тенг имкониятларга эга бўладиган шароит яратадиган умум эътироф этган меъёрлар ўз ифодасини топган.

Абдусамат Полвон-зода алоҳида таъкидлаганидек, Олий Мажлиснинг охирги сессиясида қабул қилинган "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ партияларнинг низом фаолияти ва сайловлардаги иштирокини молиялаштириш ошкора ва аниқ бўлиши шарт.

. Бу фаолиятни чет эл манбаларидан молиялаштириш ва моддий-қувватлашга йўл қўйилмайди. Қонуннинг талабига кўра ким, қаердан, қанча маблағ олгани, бу маблағ мақсадли ёки мақсадсиз сарфлаганини аниқ кўрсатишга мажбур.

Умид қиламизки, барча сиёсий партиялар қонун талабларига оғишмай амал қилади. Бўлажак сайловлар Конституцияга ва қонунларга мувофиқ тарзда ўтади.

Мулоқотда иштирок этган чет эл ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга адлия вазиридан жавоблар олишди.

(Ўз мухбиримиз)

1июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

КЕЛАЖАК СИЗНИКИ, АЗИЗ БОЛАЖОНЛАР!

Болалар қувончини кўришдан ортиқ бахт йўқ десак хато бўлмас. Дунёда ўзбеклар каби болажон, фарзандларига меҳрибон халқнинг ўзи кам. Ўзи емаса ҳам болам есин дейди, ўзи киймаса ҳам болам кийсин дейди, ўзбеклар. Қизларини меҳмон деб қалбининг тўрига ўтказади. Ўғилларини зурриётим давомчиси деб бошига кўтариб юради. Набираларини ҳеч кимга ишонмай бағрида олиб юради.

Баҳтиёр болаларни кўрганда беғубор болаликни қўмсамаган, кўзимни бир юмсаму болаликка қайтиб қолсам деб орзу қилмаган ким бор!

Болажонларимиз бахтига юртимиз тинч бўлсин, уларнинг қувноқ кулгуси оламни тутаверсин!

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат-лавҳа



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ТАНЛОВИГА

КЎЗИНГНИ ОЧ, ЭЙ ИНСОН!

Аввало, гиёҳвандлик воситаларини сотиш орқали тарқатишдек мудҳиш жиноятнинг ижтимоий-маданий хавфи ва демографик-тиббий оқибатлари хусусида икки оғиз сўз билан тавсиф бериш заруриятн мавжуд, деб ҳисоблайман.

Гиёҳвандлик билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш инсон соғлиги ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, Республика ва вилоятдаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатади, аксарият ҳолларда у уюшган жиноятчилик билан боғлиқ бўлади. Бу жиноятларнинг аксариятида бошқа мамлакатлардаги жиноий олам билан алоқаси бўлган уюшган гуруҳларнинг қўли бор. Гиёҳвандлик оқибатида кўплаб оғир жиноятлар содир этилмоқда, оилалар барбод бўлмоқда, гиёҳвандлар сони ортмоқда.

Айниқса, бу офатнинг вояга етмаганлар, аёллар ва қишлоқ аҳолиси орасида тарқалиб бораётганлиги катта хавф туғдирмоқда. Жаҳон аҳлининг 500 миллион нафари гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қиладиган бўлса, уларнинг 70 фоизини вояга етмаганлар ташкил қилади. Республикамизда эса 24 минг вилоятда 18 минг гиёҳванд ҳисобга олинган бўлиб, уларнинг 60 фоизидан кўпроғи героин моддасини истеъмол қилади. Гиёҳвандларнинг ўртача ёши 20 — 40 ни ташкил этиб, 80 фоизи инсонийлик сифатини йўқотиш даражасига бориб қолган. Ҳеч қаерда ишлаймайдиган, гиёҳвандлик воситаларига руҳан ва жисман батамом қарам бўлган шахслардир.

Гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи наркокорчалонлар оддий одамлар ҳаётини заҳарлаш, барбод этиш эвазига мўмай даромад орттиришнигина мақсад қилиб қўймай, кейинчалик тубан ва чиркин сиёсий ниятлар илинжида фаол ҳаракатлар бошлаганликлари ҳеч кимга сир эмас.

Яқин-яқингача қўшни Афғонистонга уя қуриб олган Усама Бен Ладен 1999 йилда 460 тонна героин ишлаб чиқариб, 130 миллион долларга сотган. Бу маблағнинг 30 млн. долларини чечен экстремистларининг Доғистонга ҳужум қилишлари эвазига "мукофот" тарзида бериб, натура шаклида 2 тонна героин ҳам совға қилганлиги рад қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Жума ва Тоҳир каби инсонийлик сиёқини йўқотган диний экстремистлар ҳам ўзларини "толиблар" деб эълон қилган наркобизнес корчалонларининг қанотидан паноҳ топиб, ўз ватандошларига хоинона қурол кўтарганликларини унутиб бўлмайди.

> "Рецидивистлар, гиёҳвандлик воситаларини мунтазам равишда ёки кўп миқдорда сотувчилар, жиноятнинг ташкилотчилари ва актив иштирокчилари, наркотикларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки унинг ҳудуди орқали олиб ўтишни таъминловчилар, худди шундай жиноятлар учун муқаддам судланганлар қаттиқ жавобгарликка тортилишлари лозим".
>
> **(Олий суд пленуми қароридан).**

Ҳозирда узоқ йилларга озодликдан маҳрум этилган олти нафар Ўзбекистон фуқаролари, бизнинг вилоятимиз миқёсида мисли кўрилмаган миқдордаги 28 килограмм героинни тожик-афғон "биродарлари" билан жиноий тил бириктириб ташиб, сақлаб, сотиб бериш мажбуриятларини олади. Улар ўзларининг жирканч қилмишлари оқибатини, миллат ва жамият олдида мудҳиш хоинликка қўл ураётганликларини англаб етишганмиди? Ёки ваъда қилинган 10 — 15 минг АҚШ долларлари уларнинг кўзини кўр, ақл ва идроклари устидан нафсларини устун қилиб қўйганмиди?

2002 йил октябрь ойининг охирларида Тожикистон фуқаролари Фурқат ва Ахат исмли кимсалар жуда кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини контрабанда йўли билан Ўзбекистон орқали Россияга олиб бориб сотиш мақсадида Ўзбекистон фуқаролари Баҳодир Тешабоев, Хатам Исақов, Хурсандали Умаров, Собир Норматов, Азамат Дадажонов, Анвар Саттаров ни ёллаб, ўзаро жиноий тил бириктиришган. Фурқат уларга хизматлари учун ҳар бирига АҚШ долларида ҳақ беришни ваъда қилган.

2002 йилнинг 14 ноябр куни Москва йўналишида кетаётган поезд Тожикистон Республикаси, Сўғд вилоятининг Хўжанд шаҳрига кириб келган. Аввалдан тузилган жиноий режага асосан Фурқатнинг шериклари Ойбек ва яна бир тожик миллатига мансуб шахс мехсекцияда героин қабул қилиб олишни кутиб турган Х. Умаров, С. Норматов ва Х. Исақовлар билан учрашиб, уларга 2 та хўжалик сумкасига жойланган героин гиёҳвандлик воситасини узатиб беришган. Ҳамтовоқлар аввалдан мехсекцияда тайёрлаб қўйилган хуфия жойга, яъни хизмат хонасининг том қисмига ҳар икки сумкани яшириб қўйишган.

Мехсекция тунда Бекобод станциясидан ўтиб, Ўзбекистон ҳудудига кириб келган. Сўнгра, "Келес" божхона маскани орқали Қозоғистон Республикаси ҳудудига, ундан Россия Федерациясининг Саратов областидаги "Илецк-1" станциясига етиб келган. Бироқ, героинни олиб кетиш учун аввалдан келишилган шахслар поездга чиқмаганликлари оқибатида героин воситасини топшириш имконияти бўлмаган.

Москва шаҳрига етиб борган мехсекциядаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари туширилган, наркотик восита эса яширилган жойида қолган. Яна Ўзбекистонга қайтариб олиб келиниб, мехсекция 2003 йилнинг январ ойи бошларида "Қўқон" станциясига қўйилган.

"Иши юришмаган" наркоюгурдаклар тожикистонлик Фурқат билан маслаҳатлашиб, мехсекцияга яширилган героин воситасини Риштон туман, Қайрағоч қишлоғига Азамат Дадажоновнинг уйига олиб келиб яшириб қўйишган. Россияга жўнатилаётган мехсекцияда олиб чиқиб кетишга келишиб олишган.

Бироқ, ўтказилган тезкор тадбир натижасида қинғир ишнинг сири очилиб Дадажоновнинг уйидан 26 килограмм 845 грамм героин воситаси топилган. Жиноятчиларнинг "карвони" шу жойда тузоққа тушади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда сотиш, контрабанда қилиш жиноятини содир этган шахсларга нисбатан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши белгилаб қўйилганлигини эслатиб ўтиш ўринли. Гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний муомала қилиш инсоният саломатлигига, жамият ва давлатчилик салоҳиятига қанчалик жиддий путур етказиши хусусида қанча ёзсак кам.

Жиноятчиларнинг асл мақсади, халқчил қилиб айтганда, туб ички кечинмалари, уларни ҳаракатлантирувчи, жиноятга ундаган руҳий "қувват", аслида фақат тамагирликдан, енгил-елпи пул топиб, бойиш ва "шоҳона" ҳаёт кечириш илинжидан иборат бўлиб, бу нарса рад этиб бўлмас ҳақиқатдир. Баҳодир Тешабоев бошчилигидаги жиноий гуруҳ аъзолари куфр йўлини тутиб иймонини йўқотган, диллари мухрланган, кўзлари пардаланган кимсалардир. Шайтони лаъиннинг васвасаларига учган олтиовлон озодликдан айрилиб, қамоқда 15 йилдан 20 йилгача жазо ўташаётир.

> Божхона ходимлари хизматга совуққон ва ишга виждонсизларча муносабатда бўлишган. Касб маҳоратларини талаб даражасида намойиш қила олишмаган. Мехсекцияда Ўзбекистон орқали Москвага олиб бориб яна қайта Ўзбекистонга олиб кирилган жуда кўп миқдордаги героин гиёҳвандлик воситасини ўз вақтида аниқламаган.

Бойлик орттиришга ва енгил-елпи ҳаётга ружу қўйиш, фуқаролик масъулиятини унутиб, инсон зотига қирғин келтирувчи офат — наркобизнесчилар сафига ўйлаб-нетмасдан қўшилиб кетиш, уларнинг шахсий-маънавий сифатлари тубанлашиб кетганлигидан далолат беради.- Қаранг, виждонига чап бериб жиғилдонини ўйлаган Баҳодир Тешабоев хусусий тадбиркорлик учун давлат томонидан берилаётган катта имтиёзларга қаноат қилмай, осонликча мўмай пул топиш мақсадида халқаро наркожиноятчилар гуруҳига қўшилган. Нафақат оиласи, қарамоғидаги фарзандлари тақдирини, келажагини ҳам ўйламаган, бойлик орттиришдек паст ниятларини инсоний қадр-қиматлардан устун қўйган.

Анвар Саттаров муқаддам икки карра судланган. Охирги марта Россияга наркотик воситаларни ўтказишга қасд қилганлиги учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, яқиндагина колониядан чиқиб келган. Ҳеч қаерда ишламаган, енгиллик билан мўмай пул топиш иштиёқида яна эски йўлига қайтган.

Хатам Исақовнинг 3 нафар фарзанди бор. У иродаси суст, нафснинг сиртмоғига илинувчан, шукур қилмайдиганлар тоифасига киради. Баҳодир, Фурқат, Анвар ва бошқаларнинг қўлида қўғирчоқдай "хизмат" қилган..

Хурсандали Умаров оилалик, 4 фарзанди бор, Андижон вилояти, Қўрғонтепа суди томонидан 169-моддаси 2-қисми "б" ва "в" бандлари билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, Амнистия актига асосан жазонинг қолган қисмини ўташдан озод қилинган. Лекин ўзига тегишли хулоса қилмаган ва яна жиноятга қўл урган.

Собиржон Норматовни ҳам 4 нафар фарзанди бор. Жиноятнинг фаол иштирокчиси.У пушаймондан фойда йўқлигини сезиб ўтирибди.

Азамат Дадажоновни 3 фарзанди бор. Баҳодир Тешабоевнинг хизматида унга югурдак бўлган.

Бу жиноят боис қанча болалари ота меҳридан жудо бўлишди. Қамалганларнинг турмуш ўртоқлари азоблар гирдобида қолишди. Узоқ йиллар отаси бору ўзи етимдай қалби мажруҳ болалар тақдири қандай кечади?

Мана, сизга бир жиноят ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида ёздик. Гиёҳвандлик бошга битган балодир. Эй инсон, кўзингни оч, бу ёруғ оламда эзгулик дарахтини эк. Инсонлигингни унутма.

Қаҳрамон СОТИБОЛДИЕВ.
Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

Биласизми?

УЗОҚ ЯШАШ СИРЛАРИ

Қариликнинг тезлашувида баъзи бир дориларнинг таъсири ҳам анчагинадир. Масалан, ҳомиладорликнинг олдини олиш учун ичиладиган дорилар, анаболик гормонлар ана шулар жумласидандир. Гормонлар мияга, эслаш қобилиятига жуда ёмон таъсир кўрсатади. Шунинг учун кимёвий йўл билан тайёрланадиган дорилардан жуда зарур бўлганда меъёрида фойдаланган маъқул. Сурункали ва кўп дори истеъмол қилиш сочнинг ҳам барвақт оқаришига сабаб бўладиган омиллардан биридир.

***

Одам беҳудага асабийлашавермай, ўзини азобу қийноқларга солавермай, юракни кенг қилиб, бировларга ҳасад қилмай, фақат яхши амаллар билан машғул бўлиш, оқиллару элнинг олқишини, дуосини олиб яшаш эвазига узоқ умр кўриш билан бирга, жинсий фаолиятни ҳам 20-30 фоизга чўзиш мумкин экан.

***

60 ёшга келиб, миянинг миллионлаб ҳужайралари ишдан чиқади, шунга қарамай, одамда дунёқараш, фикрлаш йўқолмайди: анча-мунча яхшиланиши ҳам мумкин. Олимларнинг фикрича, инсон миясини қанча кўп ишлатса, у шунча ўткирлашар экан.

***

Саломатлик, узоқ умр кўриш, тез қариб қолмаслик, кексаликни касалликка, касалликлардан иборат оғир бир дардга айлантириб юбормаслик, ҳар бир кишининг ўз қўлида экан!

128 ЁШДА ТИШ ЧИҚСА—Я!

Эрон қишлоқларининг бирида истиқомат қилувчи 128 ёшли Баҳром Исмоилнинг учта эски тиши ўрнидан аввалгиларидан ҳам бақувватроқ янги тишлар ўсиб чиқди. Бундай ғайриоддий ҳолатдан ҳамма ҳайратда.

Қария бутун умри давомида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик билан шуғулланган. Унинг айтишича ҳеч қачон чекмаган, гиёҳванд моддалар истеъмол қилмаган, спиртли ичимликлар ичмаган. Узоқ умр кўраётганликнинг сабаби ҳам шудир. Қариянинг тиббиёт ходимларига бирор марта иши тушмаган, дори-дармон ичмаган. Дунёдаги энг узоқ умр кўрганлардан бири ҳисобланмиш Баҳром Исмоил ўзига хос парҳезда бўлган. У ҳаёти давомида умуман гўшт, ўсимлик ёғи ва гуруч истеъмол қилмаган. Аммо сариёғни кўп ер экан. Шу ёшда "ақл тиш"ларининг ўсиб чиқишига парҳез ёрдам бергандир, деган фикр ҳам бор.

Сафура ТЕШАБОЕВА тайёрлади.

РАШКЧИ ҚИЗ

Қиз йигитга:

— Нега сенга ҳадеб қизлар қарайверади, баъзан хиралик қилиб, яна гапга тутмоқчи бўлишади. Ўшандақанги бетсиз қизларни бир адабини бериб қўйсам дейман-у — дебди. Шунда йигит қизишиб:

— Нима, қизиқ экансан, қараса-қарайвермайдими, сен унақа рашкчи бўлма! Рашк қадимдан қусур одат ҳисобланур, — дебди.

Шунда қиз:

— Рашкимга сира хафа бўлма, бу одат ҳам қадимий, садоқат ва содиқлик рамзидир, қизлик ғурури эрур. Агар сен мен учун барибир бўлсанг эди, ҳеч қачон рашк қилмасдим. Буни сен ишончсизликка ё маданиятсизликка йўйма. Рашким боиси сени азбаройи суйганимдандир, агар билсанг, — дебди бу сафар кўзига бироз ёш олиб...

МЎЙСАФИДГА САВОЛ

Бир тақводор мўйсафид одамдан сўрабдилар:

— Эй яхши инсон, нечун ҳамиша юзингда нур кўринур, қарилик аломатлари сезилмайдир, сенда, — дебди.

Мўйсафид дебди:

— Юзимдаги нур қалбим қўридан чиқаётган шуъладир, агар кўнглинг пок бўлса, чеҳрангдан нур аримагай, қарилик аломатлари унчалик сезилмагай.

ҚОДИРЗОДА тайёрлади.

Миллий либос жозибаси

Шавкат БОЛТАЕВ олган сурат-лавҳа

Спорт оламида

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

«Спортнинг футбол тури Олимпия ўйинлари дастуридан чиқариб ташланармиш. Энди Афина олимпиадаси футбол баҳсларисиз ўтаркан". Шу сингари гап-сўзлар кейинги пайтда қулоққа тез-тез чалинадиган бўлиб қолганди. Яқинда Парижда ФИФАнинг юз йиллик юбилейи муносабати билан ўтган конгрессда бундай миш-мишларга чек қўйилди. Аниқроғи, конгресснинг иккинчи кунида Халқаро Футбол уюшмаси ва ВАДА (Бутунжаҳон антидопинг ассоциацияси) ўртасида шартнома имзоланди.

— Бугун ниҳоятда хайрли ишни амалга оширдик, — деди ВАДА бошлиғи Дик Паунд. — Мабодо ФИФА билан битим тузилмаганида Афина олимпиадаси футбол баҳсларисиз ўтган бўларди.

ОЛИМПИАДА — 2012:
МЕЗБОНЛИККА ДАЪВОГАРЛАР

2012 йилда ўтадиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига дунёнинг энг йирик беш шаҳри асосий даъвогарлик қилмоқда. Булар Лондон, Мадрид, Москва, Нью-Йорк ва Париж. Номзодлар Халқаро Олимпия қўмитаси шартларига асосан танловда тўла иштирок этишлари учун 2004 йил 15 ноябргача ўз лойиҳаларини тақдим қилишлари ҳамда ХОҚ ҳисоб рақамига 500 минг АҚШ доллари миқдорида пул тўлашлари зарур бўлади.

Танловда барча номзодларнинг имкониятлари тенг баҳоланмоқда.

— Агар XXX ёзги олимпиада Москвада ўтса, Россия ҳукумати 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида соф фойда кўради, — дейди ХОҚнинг вице-президенти Виталий Смирнов. — Россияликларнинг энг катта ютуғи, 1980 йилги олимпиададаги сингари янги спорт комплекслари, меҳмонхоналар, телемарказлар, аэропорт ва бошқа зарур иншоотлар қуришмайди. Бунинг учун зарурият ҳам йўқ.

Ер курраси нинг энг нуфузли мусобақасининг 2012 йилдаги мезбони қайси шаҳар бўлиши эса ХОҚнинг 2005 йил июлда Сингапурда ўтадиган 117-сессиясида эълон қилинади.

"ОЛТИН БУТСИ" АНРИГА НАСИБ ЭТАДИМИ?

"Арсенал" (Лондон) ва Франция терма жамоалари ҳужумчиси Тьерри Анри якунланаётган мавсумда Европа тўпурарлар баҳсида пешқадамлик қилмоқда. У қитъанинг "Энг яхши тўпурари" номинацияси бўйича ғолибга аталган "Олтин бутси"ни қўлга киритишга жуда яқин турибди.

Агар Анри бу мукофотга муносиб топилса, у француз футболчиларидан биринчи бўлиб ана шундай бахтга сазовор бўлади. Чунки Аригача бирорта ҳам францияликтўпурар "Олтин бутси"ни қўлга киритмаган. Англия ўйинчиларидан биринчи бўлиб ҳужумчи Кевин Филлипс «Европанинг энг яхши тўпурари» номинацияси ғолиби бўлган. У "Олтин бутси"ни 2000 йилги мавсум якунида қўлга киритганди. Бу юксак мукофотнинг ўтган йилги соҳиби эса "Депортиво"нинг голландиялик ҳужумчиси Рой Макай бўлганди.

Ҳисоб-китоблар бўйича мутахассислар бу йилги ғолиб Тьерри Анри бўлишига ишонч билдиришмоқда. Агар "Олтин бутси"га даъвогарлар рўйхатига назар ташласангиз, унинг катта имкониятга эга эканлигини билиб олиш қийин эмас:

1. Тьерри Анри, "Арсенал" (Англия)	30	2	60
2. Аилтон "Вердер" (Германия)	28	2	56
3. Жибриль Сиссе, "Осер" (Франция)	26	2	52
4-5. Андрей Шевченко, "Милан" (Италия)	24	2	48
4-5. Роналдо "Реал" (Испания)	24	2	48
6. Матея Кежман, "Эйндховен" (Голландия)	31	1,5	46,5
7-8. Рой Макай, "Бавария" (Германия)	23	2	46
7-8. Альберто Жилардино "Парма" (Италия)	23	2	46
9-10. Ара Акопян "Банантс" (Арманистон)	45	1	45
9-10. Хенрик Ларссон "Селтик" (Шотландия)	30	1,5	45

ИЗОҲ: 1-устун футболчи ва жамоалар; 2-устун тўплар сони; 3-устун чемпионат коэффициенти; 4-устун жами тўплаган очкоси.

ШЕВЧЕНКО ЭМАС, РОБЕРТО КАРЛОС

"Милан" (Италия) ва Украина терма жамоалари ҳужумчиси Андрей Шевченкони Лондоннинг "Челси" клубига ўтказиш бўйича премьер-лига вакиллари ҳомийси Роман Абрамовичнинг олиб борган музокаралари самарасиз якунланди. Шунга қарамай, Чукотка губернаторининг шашти баланд. У гарчи Шевченкони ўз жамоасига жалб этишнинг уддасидан чиқа олмаган бўлса-да, "Реал" (Мадрид) ва Бразилия терма жамоалари ёрқин юлдузи Роберто Карлосни преьмер-лигада тўп суришга кўндирди.

BBC агентлигининг тарқатган ахборотига кўра, қироллик клуби "Челси" билан 20 миллион фунт стерлинг миқдорида шартнома имзолаган. Унга мувофиқ, келгуси мавсумда лондонликлар сафида 31 ёшли ҳимоячи Роберто Карлос ҳафтасига 120 минг фунт стерлинг ҳақ олади.

КЛУБЛАР ЎРТАСИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

ФИФА келаси йилдан бошлаб дунёнинг кучли клублари ўртасида жаҳон чемпионати ўтказишга қарор қилди. Мукофот миқдори 15 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи бу турнир 2005 йилда Токиода уюштирилади.

Унда Европа, Жанубий Америка, Осиё, Шимолий ва Марказий Америка ҳамда Океаниядан чемпион жамоалар қатнашади. Чемпионат низомига кўра, Жанубий Америка ва Европанинг чемпион клублари баҳсларнинг ярим финал босқичидан мусобақага қўшилишади.

Шавкат КАРИМОВ тайёрлади.

ЧАПАҚАЙЛАР

Статистика маълумотларига кўра, дунёдаги одамларнинг ҳар 20 нафаридан биттаси чапақай бўлар экан. Бу ҳол азалдан шундай бўлиб келган. Қадимда катта-катта жанглар бошланиши олдидан олинган ҳисоблар ҳам шуни тасдиқлаган: ҳар 20 минг аскарнинг бир мингчаси чапақай бўлган. Бунинг бир ижобий томони шуки, чапақайнинг ўнақай рақибга шикаст етказиши қулайлашади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги қиличбозлик, бокс тренерлари шогирдларни мумкин қадар чапақайлардан танлаб олишни афзал биладилар.

Камина ҳам туғма чапақай бўлганман, мактабнинг 2-синфига ўтганимда муаллим чап қўл билан ёзаётганлигимни кўриб қолиб, ўнг қўлда ёзишим кераклигини талаб қилаверди: "Ўнг қўлда ёзгин — чиройли чиқмаса ҳам, аъло баҳо олаверасан" деган ваъдалар ҳам берилди.

Хуллас, ғоятда қийинчилик билан бўлса-да, ўнг қўлда ёза бошладим. (Ўтган асрнинг 30-йилларида муаллимларимиз юқоридаги статистика маълумотларидан бехабар бўлганлар, албатта.)

Шундай қилиб, ёзиш ўнг қўлда-ю, бироқ пичоқ, теша, кетмон, қайчи чап қўлда қолаверди. Улғайиб политехника институтини битирибман ҳамки, ўтган шу 5 йилда бир нарсадан тамоман ғофил эканман: қанчадан-қанча чизмакорларни чизишда қаламни... чап қўлда тортиб келган бўлиб чиқдим.

Чапақайликнинг ҳеч қандай "айби" йўқ. Кейинги йилларда телевизорга қараб ўлтириб, бир ҳолдан воқиф бўлдик: АҚШ президентларидан Жорж Буш (ота), Клинтонлар ҳам битимларга чап қўл билан имзо чекдилар...

Қўйинг-чи, "қисса"дан ҳисса: устози аввал 1-синф муаллими! Бола чапақай бўлса, уни зўрлаб ўнақай қиламан деб зинҳор-базинҳор хомтама бўлманг! Бу билан табиатга зид иш тутган бўласиз.

Шарафиддин КЎНЧИ

Суд залидан

ҚАСАМГА ХИЁНАТ

Феруз Узоқов ўта оғир жиноятни содир этгани учун суднинг қора курсисида ўтирди. У аввал ҳам озодликдан маҳрум этилган, Ўзбекистон Президентининг Амнистия тўғрисидаги фармони билан жазони ўташдан озод олинган эди. Афсуски у ўзига берилган имкониятдан фойдаланиб тўғри йўлга кира олмади. Меҳрибончилик нуқтаи назаридан келиб чиқиб авф этилганидан хулоса чиқармади. Эски ҳунарини хуфёна давом эттирди. Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деган нақл бор. Биринчи марта судланганида ҳам гиёҳвандлик жиноятини содир этганди. Ҳеч ким яна уни жиноят кўчасига киради деб ўйламаганди. У жиноий қилмишларини пинҳона тарзда яшириб амалга оширишга ҳаракат қилган. Аммо, барибир қиғир ишнинг қийиғи чиқди. Кўп миқдордаги марихуана — гиёҳвандлик моддасини сотаётганда қўлга тушди. У ўнта гугурт қутисига алоҳида-алоҳида қадоқланган умумий вазни 24,85 граммга тенг гиёҳвандлик воситасини фуқаро Авезмурод Самандаровдан сотиб олиб, назорат тариқасида гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш учун юборилган Бахтиёр Равшановга тўртта гугурт қутисидаги оғуни 28 минг сўмга сотаётган пайтида қўлга олинган.

Кўр-кўрни қоронғуда топади, деган нақл топиб айтилган экан.

Феруз Узоқов ўзига ўхшаган гиёҳванд ва гиёҳвандлик воситаларини олди-соттиси билан шуғулланиб юрувчи ҳамтовоғини топади. У шарафли касб эгаси — шифокор эди. Касби тақозоси билан унинг ўзи гиёҳвандликка қарши курашишга бурчли вазифада ишларди. Бухородаги шаҳар касалхонасида шифокор вазифасида ишлашига қарамай бу қабиҳ жиноятга қўл урди. Мана оқибати — у олти йилга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳамтовоғи Авезмурод Самандаров очиқда бўлганда шу кунларда 47 ёшни оиласи даврасида нишонлаётган бўларди. У ҳам жиноий шериги каби Гиппократ қасамига хиёнат қилди. Унинг ҳам ўтмиши қора — судланган. Қоракўл тумани Марказий касалхонасида ҳаким бўлиб ишларди. Ҳар иккала жиноятчи ўз қилмишларини шу даражада эҳтиёткорлик ниқобида яширганки, ҳеч ким на маҳалла-кўй, на ҳамкасблари уларнинг қиғир ҳатти-ҳаракатларини сезишмаган.

Авезмурод Самандаров таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган қонунда таъқиқланган ўсимликни экиб етиштирган. Кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотиб ўта оғир жиноятга қўл урган. У ҳамтовоғи Феруз Узоқовга 10 дона гугурт қутисидаги гиёҳванд моддани ҳар бир қутисини тўрт минг сўмдан жаъми 40 минг сўмга сотади. Авезмурод Самандаровнинг Қоракўл тумани Раҳимбердиев номли ширкат хўжалиги "Қирққалъа" қишлоғидаги уйида тинтув ўтказилганида қонунга хилоф равишда сотиш мақсадида сақлаб келинаётган гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланган. Бухоро вилояти суди ҳукми билан Авезмурод Самандаров ҳам олти йилга озодликдан маҳрум этилди.

Уларнинг ҳар иккиси ҳам оилали, Феруз Узоқовнинг қарамоғида вояга етмаган уч нафар фарзанди бор. Авезмурод Самандаров қарамоғидаги фарзандларининг икки нафари талаба, икки нафари ўқувчи. Ҳар иккиси ҳам оилада ягона боқувчи эди. Фарзандлар ва не-не умидлар бирдан бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоқларининг ташвишларини, азоб-уқубатларини бир кўз ўнгингизга келтиринг-а! Мана, оила бошлиғининг жиноят кўчасига кириши оқибати.

Ёқуб ЗИЁДУЛЛАЕВ, Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг судьяси

Ажаб дунё

ЭНГ РАСВО ТЎЙ

Москвалик Любовь К. исмли келинни айни тўй қизиб турган паллада тўйхонанинг нақ ўзидан касалхонага келтириб, реанимацияга жойладилар. Ташхис — асаб бузилиши туфайли рўй берган юрак ҳуружи. Тўйга келганлар келинпошша нима сабабли бундай аҳволга тушганини айтиб беришди.

Банкет залига 200 меҳмон таклиф этилган эди. Куёв томондан ҳам, келин томондан ҳам баб-баравар. Куёв Виктор И. билан келин тенгдош — 26 яшар эдилар. Келин-куёв расман никоҳдан ўтгунга қадар фуқаролик никоҳи билан яшаб келишган. Лекин уларнинг ўз уйи йўқлиги учун бир неча йил давомида гоҳ ота-оналарининг, гоҳ қариндошларининг, гоҳ келиннинг турмуш қурмаган дугоналарининг уйида яшашга мажбур бўлганлар. Янги йил арафасида қариндошлардан бири ёшларга ўзининг бир хонали уйини беришга қарор қилган. Ўзи эса опасиникига кўчиб кетган. Люба билан Виктор дарҳол ЗАГСга ариза беришган.

Келин-куёв шунча вақт ўзларига бошпана берган барча биродарларини тўйга таклиф қилганлар. Биринчи қадаҳ ёшларнинг бахти учун кўтарилади, иккинчиси уларнинг ота-онаси учун... Хуллас, у ёғи "торт-торт"га уланиб кетади...

Келинпошшанинг вакил дугонаси роса "отиб" олгач, тўсатдан келиннинг оёғи остига ўзини ташлаб юборади. Келинпошшанинг оппоққина либосига юзини босиб, пардоз-андоз бўёқларини чаплаганча, "айбини бўйнига олади". "Любахон, дугонажон! Мен виждонсизни кечир, ўртоқжон!" Ҳеч балони тушунмаган келин уни юпатишга уринади. Аммо дугонаси тушмагур баттар авжига чиқади. "Мен сенинг эринг билан, Витя билан... хуллас... бизникида турганларингда... ўшанақа қилиб..."

Меҳмонлар ҳайратдан қотиб қоладилар. Любанинг онаси оҳ чекиб юрак дорисига ёпишади. Келин шўрлик балонинг олдини олиш учун хиёнаткор дугонасини нариги хонага олиб чиқиб кетади. Зум ўтмай уларнинг ёнига тағин бир дугонаси кириб боради. Ғирт маст Наталья С. кўзида шашқатор ёш билан гап бошлайди. "Ўртоқжон, эсингдами, Витяни менинг уйимга йиғма кароват олиб келиш учун юборгандинг. Ўшанда... иккаламиз каравотни синаб кўргандик. Кечир, мени, хиёнаткорни!" Келин хушини тўплаб олмасдан хонага тағин икки дугонаси кириб келиб чин дилдан узр сўрайди. Тағин ҳаммалари бор овоз билан уввос солади. Аламига чидолмаган келин ташқарига югуриб чиқади-да, зинокор Викторни чақиради. Яхшигина ичиб олган куёвтўра ошхонага кириб беркинади. Аммо келиннинг отаси уни ёқасидан судраб чиқади.

Келин ғазаб устида сўрайди. "Ростингни айт, яна ким билан ўшанақа ҳунар кўрсатгансан, аблаҳ?" "Сўраганингдан кейин айтишга мажбурман", — дейди куёв ва бармоқларини букиб санаб кетади... Келин дод солиб йиқилиб тушади, бошидан фатаси отилиб кетади. "Тез ёрдам" чақирадилар. Аммо келин олиб кетилгандан кейин, орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас яна "тез ёрдам" чақиришга тўғри келади. Келиннинг ота-онаси меҳмонлардан уялиб-нетиб ўтирмай қудаларини ўласи қилиб калтаклайдилар.

Куёвтўра эса тўйхонани мағрур тарк этади. Бироқ ёлғиз ўзи эмас. Аввалдан "навбат"га ёзиб қўйган бўлса керак, келиннинг яна бир дугонасини қўлтиқлаб чиқиб кетади, хумпар!

КАМПИРДАН ҚЎРҚИНГ

Приморскдаги Новошахтинск посёлкасида яшовчи 65 ёшли нафақахўр озодаликни хуш кўради. Кўпқаватли уйнинг ўзи яшайдиган йўлагини тозалашдан эринмайди. "Кундалик янгиликлар" газетасининг хабар беришича, унинг қирқ яшарли қўшниси бунинг тескариси, нуқул зиналарни булғайди. Бир куни кампир йўлакни тозалай туриб маст-аласт қўшнисига дуч келиб қолади. Ҳаммаёқни ифлос қилиш яхши эмаслигини айтганида қўшни хотин бобиллаб беради. Даханаки жанг ҳақиқий жангга айланиб кетади. Кампир хокандоз билан қўшнига ташланади. "Жанг" натижаси анча "самарали" бўлади. Кампир жаҳл устида хокандозни шу қадар "маҳорат" билан ишлатадики, пияниста аёлнинг учта бармоғи узилиб тушиб, боши ёрилади. Афсуски, озодаликни яхши кўрадиган кампир тушмагур ҳеч нимага эришолмайди: йўлакнинг расвоси чиқиб, ҳаммаёқ қонга беланади. Қўшни хотин касалхонага тушади, кампир эса қонун олдида жавоб ҳам бериши керак.

ПИТЕРЛИК МИЛЛАТЧИЛАР

Петроград метросининг хизматчилари Россия халқ артисти Рубина Рубенова Калантарянни қаттиқ хафа қилишди. Рус қўшиқлари, айниқса романсларни қойилмақом ижро этадиган хонандани метрога киритишмаган. "Смена" газетасининг ёзишича, бунинг сабаби оддий: бу аёл "қора"лардан! "Маяковский" станциясининг навбатчиси унга худди шундай деган. "Сен қорасан, шунинг учун метрога киришга ҳаққинг йўқ!" Охир-оқибат хонанда милиция ёрдамида метрога киришга муваффақ бўлган.

Бу — қўшиқчига нисбатан қилинаётган ҳақоратнинг биринчи марта рўй бериши эмас. Уч йил аввал ҳам "Гостиний двор" метросининг навбатчиси Калантарян хонимни кўриши билан темир панжарани шу қадар ғазаб билан айлантириб юборганки, машҳур хонанданинг бармоғи синган. Худди ўша куни хонанда "Петербургнинг олтин овози" мукофотини олиб, шод-хуррам уйга қайтаётган эди.

Йўловчилардан бири қўшиқчини таниб қолиб, навбатчига дашном беради.

— Нима қилаяпсиз? Ахир бу Рубина Калантарянку!

Навбатчи пинагини бузмай тўнғиллайди.

— Биламан. Аммо ўзбекларни метрога киритиш тақиқланган!

Ана сизга "бағрикенглик!"

Хориж матбуотидан

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва "Миллий тикланиш" газетаси таҳририяти Президент девони масъул ходими Жамолдин Ҳакимовга волидаи муҳтарамаси **Ўғилой аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси жамоаси Сирдарё вилояти Ер ресурслари бошқармаси бошлиғи Низомиддин Бакировга турмуш ўртоғи **Матлуба БАКИРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Milliy tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-58-80, 136-58-73

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 629. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158
Адади: 1669 нусха

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

23456

Босишга топширилди 20.00